O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 29 январь, №24 (3136) Чоршанба

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАДРИД, 28 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:

Мадрид марказидаги "Леалтад" майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Президент Ислом Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ жоизки, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, "Олтин китоб"га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган Конституциясининг нодир нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари — Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов маҳаллий анъанага биноан, суверийлар кузатувида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий "Олтин калити" тақдим этилди.



Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида "Монклоа" саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга ташриф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япония парламентининг ташқи ишлар бўйича котиби, депутат Шинако Цучия хоним раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Япония делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам бўлди. Парламент Раиси Эркин Халилов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон-Япония алоқаларини янада кенгайтиришга оид масала муҳокама қилинди. Учрашувда икки мамлакат қонунчилик ва парламентлараро алоқалар борасида самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Томонлар келажакда мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш йўлидаги ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг мамлакатимиздаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш учун ажратган беғараз ёрдами борасида алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Қиймати 141 миллион иенлик бу лойиҳа юртимиздаги тарихий ёдгорликларни сақлаш, тиклаш ва ҳолатини кузатиб бориш учун зарур бўлган энг замонавий асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, компьютерлар ва бошқа турдаги махсус жиҳозлар келтирилишини назарда тутади.

Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ҳамда Японияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзо чекди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика назорат органлари томонидан 2002 йилда ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан Кенгаш раисининг ўринбосари, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов ахборот берди.

Таъкидландики, 2002 йилда текширилаётган хўжалик субъектлари сони камайди. Бунга асосан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини текширишни камайтириш ҳисобига эришилди. Ҳисобот даврида назорат органлари томонидан 48,4 мингта ёки фаолият юритаётган хўжалик субъектидан ҳар бештаси текширилди, 2001 йилда эса уларнинг ҳар учтадан биттаси текширилган эди. Бухоро, Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида текширишларни энг кўп қисқартиришга эришилди.

Тасдиқланган режа-жадвалларда кўзда тутилган барча текширишлар мажмуавий тарзда, ҳар бирида ўртача 3 та назорат органи иштирокида амалга оширилди. 2002 йилнинг IV чорагидан уларнинг фақат Давлат солиқ қўмитаси иштирокида ўтказилиши кўзда тутилган.

Кўрилган чоралар назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди, улар томонидан амалга оширилган текширишларнинг 80 фоиздан ортиғида текширилаётган объектда камчиликлар борлиги аниқланди, бунинг учун 82 минг нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, 106,7 миллиард сўм молиявий-иқтисодий жазо чоралари белгиланди, қарийб 1,2 миллиард сўмлик маъмурий жарима ундирилди.

Шу билан бирга, Кенгаш назорат органлари ва Кенгашнинг ҳудудий комиссиялари ишида камчиликлар борлигини қайд этди. Ҳисобот даврида баъзи назорат органлари томонидан 18 та хўжалик субъекти Кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссиялари рухсатисиз текширилган. Улар орасида Давлат санитария-эпидемиология назорати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бўлинмалари бор. Назоратчилар томонидан баъзи хусусий дорихоналар, фирма ва корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектлари фаолиятига асоссиз равишда аралашиш ҳолларига йўл қўйилган.

Назорат органлари томонидан 2002 йилда ҳар тўрттадан битта текшириш режадан ташқари ўтказилган, ваҳоланки, деярли 2 мингта режалаштирилган текшириш ўтказилмай қолган. Баъзи назорат органлари режа-жадваллар томонидан тасдиқланган текшириш муддатларини бузиш, текширишларни тегишли буйруқсиз, махсус гувоҳномасиз, аттестациядан ўтмаган мансабдор шахслар томонидан ўтказиш, Текширишларни рўйхатга олиш дафтарини нотўғри тўлдириш ёки умуман тўлдирмасик ҳолларига йўл қўймоқда. Ўтган йили мониторинг ўтказиш давомида аниқланган бу ва бошқа йўл қўйилган камчиликлар учун назорат органларининг 427 нафар мансабдор шахси жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 233 нафари маъмурий ва интизомий огоҳлантириш олди, 13 нафари эгаллаб турган лавозимидан четлатилди.

Кенгаш ҳудудий комиссиялар ва назорат органларига бир ой муддатда ўз мажлисларида ҳисобот даврида текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш бўйича иш якунларини батафсил таҳлил ва муҳокама қилиш, 2003 йилда уни яхшилашга қаратилган чоралар кўришни таклиф қилди. Уларга текширишларни ўтказишнинг белгиланган тартибини бузишнинг ҳар бир ҳолати учун айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, талабчанликни ва назоратчиларнинг уни сўзсиз бажариш учун жавобгарлигини ошириш топширилди.

2003 йилнинг II-IV чораклари текширишларни ўтказиш режажадвали юзасидан таклифлар қўшимча ишлаб чиқилди, ўтказилаётган текширишларнинг мажмуавийлиги таъминланади, режажадвалга қонунга риоя этувчи, ижобий аудиторлик хулосасига эга ҳамда ўтган йили текширилган хўжалик субъектларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

Мажлисда текширишларни мувофиқлаштиришга оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов қатнашди.

(ЎзА).

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ҲАМКОРЛИК

Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар қадим тарихга эга. Манбаларнинг далолат беришича, XV асрда Кастилия қироллиги (ўша даврда ҳозирги Испания ҳудудида Кастилия ва Арагон қиролликлари мавжуд эди) Амир Темур давлати билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга қарор қилди.

Тарихий манбаларда зикр этилишича, 1402 йилда Кастилия қироли Энрике III ўзининг элчилари — Пайо Гомез де Сотомайра ва Хернан де Палазуелосларни Шарққа юборади. Улар орқали Амир Темурга давлатлараро алоқаларни ўрнатиш таклифи етказилади ва қисқа фурсат ичида ижобий жавоб олинади. 1403 йилнинг мартида эса Амир Темур маслаҳатчиси Муҳаммад ал-Қозий Кастилия пойтахти Сеговияга элчи этиб тайинланади, ишонч ёрлиқларини қирол Энрике III га топширади.

Ўз навбатида Кастилия қироли ўзининг маслаҳатчиси Руи Гонсалес де Клавихони Амир Темур давлатига элчи этиб тайинлайди ва у 1403 йилда юртимизга етиб келади.

Кейинчалик Клавихо Испаниянинг жануби-ғарбий ҳудудидаги Кадис шаҳридан Самарқандга қилган ўзининг сафарини муфассал равишда баён этган. Унинг ёзма нусхалари бир неча марта Испанияда чоп этилган...

Испания Қироли Хуан Карлос I нинг 1984 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига амалга оширган ташрифи Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлаб берди. Ташриф давомида Қўртўба (Кордова) ва Бухоро шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди.

Испания Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олди. 1992 йилнинг март ойида эса мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда Европа Иттифоқи саммити доирасидаги Испания ҳукумати раиси Х.М. Аснар билан бўлиб ўтган учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг ривожида муҳим омил бўлди.

Мустақиллик йилларида турли даражадаги ўзаро ташрифлар амалга оширилди. 1999 йилнинг май ойида Испания Ташқи ишлар вазирлигининг ташқи сиёсат ва Европа Иттифоқи масалалари бўйича давлат котиби Р. де Мигел бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг 2001 йил март ойидаги Мадридга ташрифи давомида давлатларимиз ўртасида маданият ва таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Испаниянинг кўплаб долзарб халқаро муаммолар бўйича қарашларининг яқинлиги халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлади.

Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ривожланиб бормоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида яратилган энг қулай шароитлар ўзаро манфаатли ҳамкорликда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Испанияга пахта толаси, газламалар, калава ип, механик ускуналар, хом тери ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Ўз навбатида Испаниядан Ўзбекистонга турли оптик ва механик ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар келтирилади.

Ҳозирги кунда Испаниянинг иккита фирмаси ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида аккредитациядан ўтган. Бундан ташқари, Ўзбекистон-Испания қўшма корхоналари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айни пайтда республикамизда олтита ўзбек-испан қўшма корхонаси ва тўлиқ Испания сармоялари асосида ташкил этилган битта корхона фаолият кўрсатмоқда.

Испанияликлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси ва Испаниянинг "Дегремон Медио Амбьенте С.А." компанияси ўртасида Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида зарур анжом ва ускуналарни олиб келиш, уларни ўрнатиш ҳамда ишчи-ходимларни ўқитишга қаратилган қиймати 16 миллион 175 минг еврога тенг битим имзоланган.

2001 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан, мамлакатларимиз ўртасидаги илмий ва маданий ҳамкорлик ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Лопе Де Вега, Тирсо Де Молин, Педро Кальдерон, Агустин Моретто, Хуан Рамон Хименес, Антонио Мачадо, Федерико Гарсиа Лорка каби испан халқи буюк сиймоларининг ижод намуналари бугунги кунда ҳам жаҳон цивилизацияси хазинасига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек халқининг нодир маданият дурдоналари билан ҳамоҳангдир. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Барселона шаҳри маданият маркази ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилган. Мамлакатимиз вакиллари Испанияда ўтказиладиган турли халқаро мусиқий танлов ва фестивалларда муваффақият билан иштирок этиб келмоқдалар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бой тарихга эга бўлиш билан бирга, ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари ҳам кенгдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Испанияга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли, узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб қолади.

Музаффар ЗОҲИДОВ.
"Жаҳон" АА.

Сўнгги хабарлар

Япония спортчиларга пешвоз!

Жорий йилнинг 1-8 февраль кунлари Японияниинг Амори шаҳрида V қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан келган 1200 нафар спортчи сафида юртдошларимиз ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида қишки қитъа ўйинларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар билан учрашув бўлди.

— Спортчиларимиз Аморида бўладиган ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди, — деди МОҚ президенти С.Рўзиев. — Улар бу йилги ўйинларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришидан умидвормиз.

Бешинчи марта ташкил этилаётган қишки Осиё ўйинларида вакилларимиз учинчи марта қатнашади. 1996 йилда Хитойнинг Ҳарбин шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда илк бор иштирок этган спортчиларимиздан фигурали учиш бўйича Татьяна Малинина қумуш, фристайлчи Сергей Бренер эса бронза медалига сазовор бўлган эди.

1999 йили Жанубий Кореяниинг Канг-Вон шаҳрида ўтказилган IV қишки Осиё ўйинларида Татьяна Малинина олтин, Роман Скориняков қумуш ҳамда Наталья Понамарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги фигурали учиш бўйича бронза медалларни қўлга киритган.

Бу гал Осиё ўйинларига тўрт нафар иқтидорли спортчимиз — фигурали учиш бўйича Артём Князев, Марина Аганина, Анастасия Гимазеддинова ҳамда тог чанғичиси Қайрат Эрметов боради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Семинар-кенгаш

Фермер ва шартнома

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари ва уюшмаси билан ҳамкорликда Жиззахда ўтказган семинар-кенгаш «Фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилишда шартноманинг ўрни» мавзусига бағишланди. Уни вилоят ҳокими У. Яманқулов бошқариб борди.

Семинар-кенгашда фермер хўжаликлари вакиллари, уларга техника, транспорт хизмати кўрсатадиган, ёнилғи-мойлаш материаллари, турли ўғитлар етказиб берадиган жамоалар, тайёрлов идоралари, банкларнинг раҳбарлари ва юристлар иштирок этди.

Тадбирда қун тартибидаги масала юзасидан республика Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Аҳмонов, республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Эгам Қурбонов маъруза қилдилар.

Таъкидландики, бугунги кунда вилоятда 9 мингта яқин фермер хўжалиги мавжуд. Бу эса ташкилий ишларга ўта масъулият билан ёндашишни, турли жамоалар билан тузилаётган шартномаларнинг ҳаётий, пухта бўлишига эришишни тақозо этади. Ҳақиқий ташаббускор тадбиркорлар ўзлари тузган шартномалар шартларини бажаришга эришмоқдалар.

Аммо ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги, юз-хотирчиликка берилиш оқибатида пухта ўйланмаган, савияси шартномалар тузилаяпти. Айни чоғда шартномаларни асоссиз равишда қайтадан расмийлаштириш ҳоллари ҳам учраётир. Ўтган йили 369 та кичик ва ўрта бизнес субъекти, ширкат, деҳқон ва фермер хўжалиги ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида хўжалик судларига мурожаат қилгани, тадбиркорлар 1123 ҳолатда жавобгар сифатида ишга жалб этилгани шундан далолат беради.

Семинар-кенгаш сўнггида мутахассислар фермерларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Экологик сертификатлаштириш — давр тақозоси

Кеча пойтахтнинг "Саёҳат" меҳмонхонасида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бош бошқармасининг маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришнинг халқаро меъёр ва талабларига бағишланган анжуманн ўз ишини бошлади. Унда қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларидан келган вакиллар иштирок этмоқда.

Семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамасининг "Стандартлаштириш, метрология, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалдаги ижроси ҳам кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари маҳсулот ва хизматларни халқаро меъёрларга мослаштирилиши таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Икки кун давом этадиган ушбу семинар-кенгашда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экологик хавфсизликни белгиловчи стандартларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида ҳам фикр алмашилади.

Муфтилло ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги иш ўринлари

Гулистон шаҳридаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида лингтдан момиқ тайёрлайдиган янги цех ишга туширилди. У йилига 350-400 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Шу кеча-кундузда цехда 15 нафар ишчи меҳнат қилаяпти.

Корхона жамоаси яқин кунлар ичида эркаклар костюми ва кўйлаклари ишлаб чиқарадиган янги цехни ҳам фойдаланишга топширишга шайланиб турибди. Айнан мана шу жойда яна қўшимча 15 та иш ўрни ташкил этилади. Янги цех бир йилда 80 миллион сўмлик тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ.

«Халқ сўзи» назоратида

ҲОКИМЛИКДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Бировнинг ҳақи — ҳиндолнинг ўқи»

« — Нега Янгийўлда тайёрланган нонларни сотмаяпсизлар? — сўраймиз сотувчидан.

— Сотса бўлади, аммо уларга талаб йўқ.

— Нима учун?

— Чунки «Янгийўлнон»нинг нонини есангиз, тишингиз ғичирлайдими-ей... Боз устига, тез ачиб қолади. Кўриниши ва сифати ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади».

Мухбиримиз билан Янгийўл шаҳридаги «Умид-3» хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Санобар Абдуллаева ўртасида бўлиб ўтган ушбу суҳбат газетамизнинг шу йилги 3 январь сонида эълон қилинган «Бировнинг ҳақи — ҳиндолнинг ўқи» сарлавҳали мақолада ўз ифодасини топганди. Бошқа дўконлар ходимлари ҳам нон сифати ҳақида айнан шундай фикрлар билдиришгани алоҳида таъкидланганди. Шу муносабат билан яқинда Янгийўл шаҳри ҳокими З.ФАЙЗУЛЛАЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:

«Мақола шаҳар ҳокими ҳузурида тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Пировардида унда тилга олинган далиллар тўғрилиги эътироф этилди. «Янгийўлнон» шўъба корхонаси бошлиғи Т.Саидғозиевга ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани, жамоада ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари ҳақиқатан ҳам, сифатсизлиги кўрсатиб ўтилди. Келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш зарурлиги уқтирилди.

Шунингдек, новвой уста Б.Маҳкамов нон маҳсулотларини сифатсиз тайёрлагани, нон қабул қилувчи ва тарқатувчи Э.Ниёзонбоев уларни савдога чиқаргани сабабли, шўъба корхонаси раҳбарининг буйруғига биноан, эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилдилар. Хамирчи А.Гулматовга, қолипловчилардан С.Дадаметова ҳамда З.Бадироваларга ҳайфсан эълон қилинди.

Мақолада келтирилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозир айни масала бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига етказиб берилаётган нон маҳсулотларининг сифати солиқ инспекцияси, санитария-эпидемиология назорати маркази ва «Янгийўл дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти эътиборида турибди.

Белгиланган вазифалар ижроси шаҳар ҳокимлигининг доимий назоратига олинган».

ДАСТУР БИР, НАТИЖА ТУРЛИЧА

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада, табиийки, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари катта роль ўйнайди. Хўш, уларнинг фаолияти қандай кечмоқда? Биз Тошкент давлат техника университетининг Чилонзор академик лицейи ва Термиз давлат университетининг Шеробод туманидаги академик лицейи фаолияти билан яқиндан танишдик.

Таҳлил

Келинг, яхшиси, далиллар асосида гаплашайлик: ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейини ўтган ўқув йилида 62 нафар ўқувчи битириб чиқди. Шундан 54 нафари олий ўқув юртларининг талабаси бўлди. Шу жумладан, давлат гранти бўйича 29 нафар, тўлов-шартнома асосида 25 нафари таълим олмоқда. Термиз давлат университети қошидаги Шеробод академик лицейининг илк битирувчиларидан 74 нафари (улар жами 86 нафар эди) олий ўқув юртларига ҳужжат топширди. Шулардан атиги 14 нафари ўқишга кирди. Жумладан, 5 нафари давлат гранти бўйича, 9 нафари тўлов-шартнома асосида. Қолган 60 таси... «йиқилди». Бу кўрсаткичдан келиб чиқиб, нуфузли лицей фаолиятига қандай баҳо қўйса бўлади? Фарзандларининг ер чизиб қолганини кўриб, ота-оналар ҳам мулзам бўлдилар. Бизда академик лицей бор, деб мағрурланадиган қишлоқ одамларининг мустар бўлганини кўрсангиз эди!..

Хўш, Чилонзор академик лицейи битирувчиларининг 87 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирган бўлса-ю, Шеробод академик лицейида бу кўрсаткич 20 фоизга ҳам етмаганлигининг сабабини нимадан излаш керак? Чилонзор академик лицейида бугунги кунда 1050 нафар ўқувчига 60 дан ортиқ ўқитувчи таълим бермоқда. Улар орасида бир нафар фан доктори, 9 нафар фан номзоди бор. Лицейда ўқувчиларнинг инглиз тили, математика, информатика, иқтисод фанларидан мунтазам ва чуқурлаштирилган билим олишига барча шароитлар яратилган. Фан кабинетлари энг янги замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Лицейда 4 та хона компьютерга ихтисослашган бўлиб, уларга 78 дона компьютер қўйилган. 8 та лингофон хона тил ўрганишга оид янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Физика фани лабораториясини ҳар қандай институтнинг лабораторияси билан таққослаш мумкин, — дейди физика-математика фанлари номзоди Нуриддин Матчонов, — ўқувчилар физикавий ҳодисаларни амалиётда ўз кўзлари билан кўриши уларнинг билимини чуқурлаштириш баробарида фанга қизиқишини ҳам орттиради.

Иқтисодиёт фанини яхши ўргатиш мақсадида лицейда бизнес-марказ ташкил этилган. Бизнес-марказ менежмент ва маркетинг, амалий мулоқот психологияси, банк иши, бухгалтерлик ҳисоби ва автомобилларни ўрганиш мутахассисликларига ўқувчиларни тайёрлаб боради. Лицей тегишли халқаро ва жамоат ташкилотлари, элчихоналар билан ҳамкорлик ўрнатган. Айниқса, Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорлик ўқувчиларнинг пухта билимга эга бўлишида ўз самарасини бермоқда. Институтларнинг илмий ходимлари лицейда тез-тез бўлиб, ўқувчиларни қизиқтирган мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштиради.

Ўқув даргоҳидаги ибратли ишлардан яна бири республика Тест маркази билан тўғридан-тўғри Интернет, локал, модем орқали боғланганлигидир. Ўқувчи танлаган мутахассислиги бўйича олий ўқув юртига кириш учун билимини лицейнинг ўзида синаб кўриши мумкин.

— Лицейдаги бу ишчан муҳитни, аввало, жамоанинг аҳиллигида, бирлигида деб биламан, — дейди лицей директори Генара Зиятдинова, —ўқитувчиларимиз ўқувчиларни университет талабасидек кўришади.

Генара опа ҳар қанча ғурурланса арзийди. Чунки «Қозонда бори чўмичга чиқади» деганларидек, ўқувчилари эришган натижалари билан лицейнинг обрў-эътибори ошди. Бу жамоанинг ҳалол меҳнатидир.

Энди эътиборингизни Термиз давлат университети қошидаги Шеробод академик лицейига тортсак.

Теварак-атрофи чиройли девор билан ўралган ҳовли. Бўёқлари ялтиллаб турган каттакон, ҳашаматли ўқув бинoси. Ётоқхона, ўқув-машғулот хоналарининг шинамлигини айтинг: 2 та компьютерлашган синфхона, 5 та лингофон синфи. Корея Республикаси кредити асосида келтирилган лаборатория жиҳозлари билан таъминланган кимё, биология, анотомия, физика хоналари. Ёши катта одамнинг ёнидан салом-аликсиз ўтмайдиган, кийимлари ўзларига ярашиб тушган ўқувчилар. Бу манзарани кўриб, беихтиёр талаба бўлгинг, ҳеч бўлмаганда ўқитувчи бўлиб ишлагинг келиб кетади, кишининг. Шунча ғамхўрлигу имкониятлар билан лицей «қолоқ» деган ном олганига афсус чекасан беихтёр.

Хўш, нега шундай бўлди?

— Лицейимизнинг ишини Музработ туман суди кўряпти. Кунора биз судга қатнаб турибмиз, — дейди лицей директори Ибодулла Эштўраев.

Бу жавобнинг саволимизга нима боғлиқлиги бор, деган маънода қараганимиздан сўнг директор столга бир даста қоғоз қўйди.

Қизириқ туман прокуратураси терговчиси А. Тўраевнинг тақдимномасидан, академик лицей директори И.Эштўраевнинг Музработ туман жиноят ишлари суди раисига сўров хатидан ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 1 июндаги ҳал қилув қароридан биз қуйидагиларни ўқиб, билиб оламиз:

«... 1938 йилда туғилган Боқи Деворов академик лицейда директорлик вазифасида ишлаган даврида (1999 йил август — 2000 йил декабрь) академик лицейнинг ўқитувчиси Иброҳим Деворов (ўғли) билан ўзаро тил бириктириб, академик лицейнинг 1 дона юмшоқ мебелини, 1 дона телевизор қўйгич столини, 2 дона темир стол, 14 дона оддий стул, 1 дона тикув машинаси, 2 та овқатланиш столи, йўғич станок, 14 юмшоқ стул, 1 дона ёзув партаси, 12 дона ўқув столи, 6861738 сўмлик радиоузел асбоб- ускуналарини... ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, 8889229 (саккиз миллион саккиз юз саксон тўққиз минг икки юз йигирма тўққиз) сўм ... миқдорда... зарар етказган. ... Шулардан 422304 сўмлик товар-моддий бойликларини ихтиёрий равишда (бунақа «ҳотамтойлик»ка офарин!) қайтариб берган».

Яна савол туғилади: Боқи Деворов ва Иброҳим Деворов-лар қилмишлари рост бўлиб чиқса, қонун олдида жавоб беришар. Лекин тўртта стул ё стол ўзлаштирилганининг таълим-тарбия ишлари сусайиб кетганига нима дахли бор?

— Боқи Деворов бизга — ўқитувчиларга ва ўқувчиларга лицей ҳовлисидаги тошларни тергизарди. Дарс машғулотларини қўйиб, ҳаммамиз енг шимариб ишлардик, — дейди ёш ўқитувчи Сайфиддин Исматов. — Бунинг устига, лицейимиз каптархонага ўхшаб қолди. Битта ўқитувчи келаверади. Иккинчиси кетаверади. Бир ҳафта, бир ой ишлаб кетиб қолганлар кўп бўлди.

Ҳозирги директордан кадрларни ишга қабул қилишни ва уларни ишдан озод қилишни қайд этиб бориш китобини сўраймиз.

— Бу китобниям Деворов бизга қолдирмасдан, уйига олиб кетиб қолган. Ҳозиргача бермай юрибди, — дейди Эштўраев.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса маълум! Муҳит оғирлашган. Иш ўрнига — гап, таълим сифатини ўйлаш ўрнига — тарафкашлик, умумманфаатни ҳимоя қилиш ўрнига — шахсий эҳтиросларга бўйсунмоқ, ўзаро ишончсизлик ва ҳасад ҳукм сурмоқда. Ҳаётнинг ўзи ҳеч кимга ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарсани ҳеч ким

СПОРТ САРОЙИГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ — республикамизнинг таянч олий таълим муассасаларидан биридир.



Бу олий таълим даргоҳи 1934 йилда илм-маърифатга ташна ёшларга ўз эшикларини очган. Мустақиллик йилларида институт ҳаётида янги давр бошланди. Ҳозирги кунда бу ерда 21 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 31 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Институтда гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси, менежмент ва маркетинг, сув хўжалиги иқтисодиёти, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ер тузиш ва ер кадастри, ирригация ва мелиорация ишларини механизациялаш, педагогика ва касбий таълим, сиртқи таълим, хорижий талабалар билан ишлаш ва малака ошириш сингари 9 та факультет фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, маънавият ва маърифат, янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш марказлари талаба ёшларнинг баркамол маънавиятли шахслар бўлиб вояга етишишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Институт жамоаси хорижий мамлакатларнинг кўпгина турдош олий таълим марказлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Улар ХХРнинг Шимоли-Ғарбий аграр университети, АҚШнинг Висконсин, Вашингтон, Мериленд, Колорадо ва Айова штатлари университетлари, Германиянинг Бонн университети, Янги Зеландиянинг Массей университети, Исроилнинг Технион-Исроил технология институти ҳамда Чехиянинг Мендел қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик университети профессор-ўқитувчилар жамоалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Бу олий таълим муассасаси кучли илмий-педагогик салоҳиятга эга. Талаба ёшлар 55та кафедрада турли йўналишлардаги замонавий муҳандислик сир-асрорларини эгалламоқдалар. Уларга 3 нафар академик, 41 нафар профессор, 183 нафар доцент, 222 нафар етук малакали ўқитувчи мураббийлик қилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг 5 нафари «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби», 2 нафари «Республикада хизмат кўрсатган ирригатор», 2 нафари «Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 1 нафари «Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонларининг соҳибларидир.



Яқинда бу институт жамоаси хайрли бир ташаббус билан майдонга чиқди. Президент Ислом Каримовнинг республикада болалар спортини ривожлантиришга доир Фармони талаблари ижросини таъминлаш мақсадида институт атрофидаги «Оққўрғон», «Амир Темур», «Ҳамид Олимжон», «Дархон», «Салар», «Фирдавсий», «Мирзо Улуғбек», «Қашқар», «Бодомзор» каби маҳаллаларида яшаётган ёшларни институтнинг спорт саройида спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланишга таклиф этди. Кик-боксинг, тэквандо, у-шу, кураш сирларини ўзлаштиришни хоҳлайсизми, бокс, баскетбол, мини футбол турларида маҳорат чўққиларига кўтарилишни истайсизми, марҳамат! Сизни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти спорт саройи қучоқ очиб кутиб олади.

ИМКОНИЯТНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!



Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайрли бир ишга қўл урди. Вазирлик томонидан халқимиз тарихида ўтган буюк ақл-заковат соҳибларига бағишланган рангли плакатлар туркуми тайёрланди ва нашрдан чиқарилди.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗЛАРИ

Ушбу рангли плакатлар "Заковат" деган умумий ном остида бирлаштирилган ва уларнинг бағридан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад ал-Фарғоний (797-865), Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Амир Темур (1336-1405), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Алишер Навоий (1441-1501), Камолиддин Беҳзод (1455-1537) каби улуғ зотларнинг нурли сиймолари жилоланиб турибди. Улар, чиндан ҳам, инсоният ақл-заковатининг кучқудрати нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатиб, давлат бошқарувида, илм-фан ва маънавий тафаккур соҳаларида ақл бовар қилмас даражада жасоратли қадамларни қўйиб, ер юзидаги цивилизация тараққиётига кучли таъсир кўрсата олган улкан тарихий шахслардир. Бу улуғ ватандошларимизнинг номи абадий шон-шуҳратга буркалган, улар фақат миллатимизнинг эмас, балки умуминсониятнинг фахриғурурига айланган.

Шу ўринда яна бир муҳим изоҳ. Рангли плакатларга мамлакатимиз Йўлбошчиси Ислом Каримовнинг юқорида номлари саналган буюк сиймолардан ҳар бирининг инсоният тарихидаги ўрни ва бетакрор оламшумул аҳамиятини ўзида аниқ ифода этган қимматли фикрлари ҳам берилган. Муҳтарам Юртбошимизнинг, масалан, Ал-Хоразмийга бағишланган рангли плакатда: **"Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртларида ўрганадиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган"** деган сўзларини ўқисак, Аҳмад ал-Фарғонийга доир плакатда: **"Аҳмад ал-Фарғонийнинг "Астрономия асослари" номли шоҳ асари XII асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган"** деган теран фикрларини ўқиймиз ва ҳоказо... Президентимизнинг бундай фикрлари рассомларимизни илҳомлантирган, уларнинг ижодий хаёлотига куч-қудрат ва йўналиш бағишлаган ҳамда бу фикрлар ҳар бир плакатдаги тасвир ва ифоданинг ўзига хос фалсафий-ғоявий дунёсини белгиловчи омилларга айланган.

Мазкур тасвирларни фақат плакат жанри доирасидаги ишлар десак, назаримизда, етарли эмасдай. Сабаби шундаки, уларнинг ҳар бири ўзига хос маънодор композицияга эга, ҳар бири алоҳида тарихий, фалсафий-бадиий ва ҳатто сиёсий ва мафкуравий маъно-моҳияти билан ажралиб туради. Бу маъно-моҳият бетакрор тасвирий воситалар, чизгилар, деталлар, ранглар тили билан юзага чиқарилган. Масалан, бир плакатда Ибн Сино қиёфаси зарҳал шуълалар оғушида кўрсатилган. Бу ёғдулар Абу Али ибн Синонинг номи ва илмий-амалий

кашфиётлари умуминсоният тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилганлигини рамзий бир тилда англатади.

Биз Ибн Сино бобокалонимизга бағишланган плакатнинг атиги битта чизгиси тўғрисида фикр юритдик. Плакатнинг тасвирий дунёси анча кенг ва ундаги ифода воситалари ҳам ранг-баранг. Ва, сирасини айтганда, ҳар бир плакат тўғрисида анча-мунча фикр ва кузатишларни айтиш мумкин. Лекин халқимизда "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши" деган мақол бор. Ушбу рангли плакатлар ҳам катта миқдордаги нусхаларда чоп этилса ва улар олий таълим муассасаларига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига, умумтаълим мактабларига ва ҳатто мактабгача таълим муассасаларига тарқатилса, кутубхоналар деворларини безаса, биз юқорида бу плакатлар хусусида қилган бир чимдим таърифда катта ҳақиқат бор эканлигини ҳар ким ўзича аниқ тасаввур қилади.

Энди яна бир мулоҳаза. Бу оламда ҳеч бир нарса бесабаб воқе бўлмаган. Жумладан, ушбу рангли плакатлар ҳам. Хўш, уларни қандай ижтимоий-маънавий эҳтиёж, зарурият дунёга келтирди? Ушбу плакатларни чиқаришдан мақсад-муддао нима?

Биз ана шулар тўғрисида ўйлаганимизда, муҳтарам Президентимизнинг "Тарихий хотирасиз — келажак йўқ" деган яна бир ҳикматли иборалари беихтиёр хаёлимизга келди. Бу ҳикмат чуқур ҳаётий маънога эга. Келинг, бир қиёсга мурожаат қилайлик, Дарахт илдизсиз бўладими? Йўқ! Мабодо дарахтнинг илдизи заҳа еган бўлса ёки у кесиб ташланса, дарахт нобуд бўлади. Чунки дарахт ўз тириклиги учун зарур бўлган озуқани, ширани ердан ололмай қолади. Бинобарин, ҳар бир халқнинг ўтмиши, тарихи ҳам шу халқнинг тириклигини, ўзлигини, борлигини таъминловчи илдиздир. Агар тарихий тажриба, тарих бисотида мавжуд улуғ ва қудратли ҳақиқатлар унутилса, инсоният ибтидоий бир аҳволга тушиб, ҳаётини қайтадан бошлашга мажбур бўлиб қоларди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан ҳар бир миллат ва элат ўз тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини, тарихий, илмий ва маданий меросини асраб-авайлайди, авлодлардан авлодларга етказади.

Ҳар бир халқ тарихида ўтган буюк зотлар эса ўзларидан бой маънавий мерос қолдириш билан чекланмай, ҳаётда қандай яшаш керак, деган саволга ёрқин жавоб бўладиган ўз шахсий ибратларини ҳам кейинги авлодлар учун йўлчи юлдуз қилиб қолдирадилар. Юқорида тилга олинган рангли плакатларга мавзу бўлган буюк жасоратли бобокалонларимизнинг порлоқ тақдири, бемисл шижоатли илмий ва маънавий фаолиятлари Ўзбекистоннинг ҳозирги авлодлари учун ҳаёт йўлини белгилашда ана шундай ноёб мактаб хизматини ўтайди. Судралиб, мудраб яшама, буюк ишларга ўзингни чоғла, миллатинг обрўйини дунёда сарбаланд қил, шундай ишлар қил, жасоратлар кўрсатки, миннатдор инсоният сени ҳамиша эсласин! — улуғ боболаримиз ҳаёти ҳозирги ёшларга ана шундай улуғ ҳикматларни ҳадя этади.

Биз ўтган асрнинг охирида не-не авлодлар орзу қилган тенгсиз саодатга — мустақилликка эришдик. Ўзбекистон жаҳондаги барча давлатларга тенг давлатга айланди. Ҳаётимизни ўз орзу-мақсадларимиз асосида қайтадан бунёд этиш имкониятини қўлга киритдик. Биз буюк, ёрқин, озод ва обод келажакка интилмоқдамиз. Келажак йўлларини излар эканмиз, биз беихтиёр яна тарих сабоқларига мурожаат қиламиз. Бу сабоқ онгимизни ва йўлларимизни ёритиб туради. Жумладан, биз: "Нега ўтмишда жаҳонга устозлик қилган буюк алломаларни берган бу халқ бугун, мустақил бўлиб, ўз ихтиёримиз ўз қўлимизга теккан давр да яна ўшандай тафаккур даҳоларини ўз орасидан етиштирмас экан? Ахир бундай куч, имконият қонимизда, руҳимизда сақланиб қолмаганми?" деган дадил саволларни ўз олдимизга қўймоқдамиз. Булар ўтмиш таъсирида туғилган саволлардир.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун бутун дунё ҳам бизнинг ривожимизга катта қизиқиш билан қарамоқда. Ўзбекистоннинг бугунги авлодлари кечаги боболарига муносиб авлод эканлигини ҳозирнинг ўзидаёқ қандайдир даражада исбот ҳам қилмоқда. Бизнинг олимларимиз жаҳоннинг энг нуфузли илмий ва педагогик марказларига бориб маърузалар ўқимоқдалар ҳамда ҳавас қиларли фундаментал-назарий илмга эга эканликларини кўрсатмоқдалар. Машҳур халқаро ташкилотлар, нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон олимлари билан илмий ва амалий ҳамкорликларни фаоллаштирмоқда. Халқимиз орасида ғоятда истеъдодли, ёниқ тафаккурли янги кадрлар авлоди ҳам етишиб чиқмоқда. Айрим ёшларимиз хорижий олий таълим муассасаларидаги магистратура босқичини битиргач, кейин улар шартнома асосида ишлаб ҳам қолмоқдалар. Бу эса Ўзбекистонда халқаро талаблар даражасида кадрлар етишиб келаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришга қаратилган Кадрлаш тайёрлаш миллий дастуридай улуғвор стратегик аҳамиятли ҳужжат қабул қилинди.

Бироқ биз бу ишлар билан қониқмаслигимиз керак. Тараққиёт—тўхтовсиз жараён. У узлуксиз изланишларни, интилишларни тақозо этади. Йўлда тўхтаб бўлмайди. Бугунги ютуқлар келажакдаги буюк интилишларга фақат дебоча бўлиб қолмоғи лозим.

Бежизга биз бугуннинг Хоразмийлари, Форобийлари, Ибн Синолари, Навоийларини орзу қилмаймиз. Тўғри, у улуғ зотлар такрорланмас сиймолардир. Лекин уларнинг илм-фанда, маънавиятда, ижоддаги бемисл оламшумул ютуқлари ҳозирги авлодлар учун юксак мезон ва нурафшон чўққилар бўлиб қолаверади. Замондошларимиз ана шундай довонларга интилиши, XXI асрни лол қолдирадиган буюк кашфиётлар ва ижодий жасоратларга ўзларини шайламоқлари керак. Ана шунда буюк аждодларимиз руҳи хотиржам ва биздан рози бўлади.

"Заковат" туркумига кирувчи рангли плакатлар ҳозирги авлодларга тарихимизнинг ана шундай улуғ ҳақиқатларини етказади, уларга қандай буюк зотлар вориси эканлигини эслатади ва ёшларимизни ўз аждодларига муносиб бўлишга даъват этади.

Шу ўринда айрим истакларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Аввало, "Заковат" рангли плакатлари, юқорида айтганимиздай, катта миқдордаги нусхаларда нашр этилиши ва тарқатилиши фойдадан холи бўлмайди. Уларнинг маърифий-маънавий таъсир кучига шу йўсинда қанот бағишлаш лозим.

Иккинчидан, бу рангли плакатлар ҳозирча ўнта. Бизнингча, бу йўналишдаги ишни давом эттириш керак. Чунки халқимизга, айниқса, ҳозирги авлодларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган қудратли маънавий сиймолар тарихимизда кўплаб топилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тайёрлаган "Заковат" туркумидаги рангли плакатлар миллатимиз осмонидаги сўнмас юлдузларга эътиборимизни қаратади. Бу қудратли ва абадий порлаш кучига молик юлдузлар ҳозирги авлодларни ўзига чексиз мафтун этади. Улар XXI аср ёшларининг қалбларини ва онг дунёсини ёритиб, уларга энг ишончли йўлларни кўрсатиб тураверади.

Михли САФАРОВ.

SAS TECHNOLOGY

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА – ЯНГИЛИК!

ОЗИҚ - ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН SAS ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ УСКУНАЛАРИ

Хамиртуруш, ун, ўсимлик ёғи, макарон, маргарин, омихта ем, қуйиш ва бутлаш ишларини бажариш учун ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР

Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган барча технологик ускуналарни харидор талаби асосида тайёрлаш

Ишлаб чиқариш ускуналарини лойиҳалаш ва тўлиқ "калити" билан топшириш, ишлатилаётган ускуналарни таъмирлаш ва янгилаш

Амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижаси дунёнинг барча мамлакатларида ишлаётган «ANA GROUP» компаниясининг маҳсулоти

ANA GROUP

Истанбулдаги идора - Тел.: (0216) 3117870, факс (0216) 5614114.
Москвадаги идора - Тел.: (007-095) 941-86-59, факс: (007-095) 941-86-60
Тошкентдаги идора: А.Темур к., 107-б, 5-қават, А-9-хона
Халқаро Бизнес маркази биносида
Тел.: (998-71) 120-79-84, 138-58-90. Факс: (998-71) 120-79-86
Web site: www.sas-tech.com e-mail: sas@sas-tech.com

Сертификатлаштирилган

$-64163

INDIA, TURKEY, NETHERLANDS, BULGARIA, RUSSIA, FRANCE, UKRAINA, ALGERIA, ROMANIA, TUNISIA, MEXICO, KAZAKHSTAN, AZERBADJAN, EGYPTE, IRAN, TANZANIA

67702105

BBC WORLD SERVICE

Short waves: 7385 kHz - 41m; 9575 kHz - 31m; 9915 kHz - 31m; 11985 kHz - 25 m (the latest)
Also Medium Wave: 1188, 1251; UKV 66 71

RADIO JOURNALISTS
CENTRAL ASIAN & CAUCASUS SERVICE
Uzbek Producer
Ref: 57477/CA

Salary depends on qualifications and experience.

Would you thrive working in a live broadcasting environment where news is constantly updated and deadlines are the norm? The BBC's Central Asian & Caucasus Service is looking for journalists to join its team in London and in Uzbekistan.

You must have an excellent command of **Uzbek** as well as up to date knowledge of English and Russian. You will have a wide familiarity with the area in which the Uzbek is spoken and an in-depth understanding of the area's history, politics and social issues, mindsets and attitudes. You will also have an in-depth knowledge of international affairs.

The successful candidates will also demonstrate the ability to originate, adapt and translate material quickly and accurately in a style suitable for broadcasting; have a minimum of two years recent full-time experience as a broadcast, online or print journalist and a degree level qualification, strong IT skills, an awareness of the internet, an interest in radio and a good microphone voice as well as a good team working ability. You also must be able to work to tight deadlines.

If you can demonstrate that you meet the above requirements, please complete your CV (quoting ref: **57477/CA**) and return to: BBC World Service Recruitment Office: E-mail: wsrecruit@bbc.co.uk; or Fax: #44 207 836 3215. In Uzbekistan you can send your CV to: BBC Bureau, Tashkent-31, Rakatboshi 1-nchi torco'cha, 11; or Fax 120 71 50 **By Closing date of 20th February, 2003.**

6779/122

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

юридик шахслар учун депозит сертификатлари эмиссиясини эълон қилади
(«Ўзмарказбанк» 2002 йил 12 декабрда берган гувоҳнома № 14-4-0079).

Эмиссия ҳажми — 20 700 000 000 сўм.
Муомалада бўлиш муддатлари — 10, 30, 90, 180, 270, 360 кун.

Сертификат эгаларига:
- қўйилган маблағлар бут сақланиши ва ўз вақтида фоизлар тўланиши кафолатланади;
- сертификат бўйича маблағларни муддатидан олдин олиш ҳуқуқи берилади (камида 1 ой ўтгандан кейин);
- сертификатларни бошқа юридик шахслар номига ўтказиш ҳуқуқи берилади.

NBU

Миллий банк депозит сертификатлари — маблағларингиз бут сақланишини кафолатлайди ва даромад келтиради.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: (998 71) 137-59-40, 137-62-87.
www.nbu.com

RESOURCE CENTER MANAGER JOB ANNOUNCEMENT

The Open Society Institute is seeking for dynamic, motivated and experienced candidates for the position of a Director for the "Tashkent Educational Resource Center".
"Tashkent Educational Resource Center" is initiated to support the development of Social Sciences and Humanities with an emphasis on teacher development and information dissemination. Resource Center serves to provide resources for research and teaching in Social Sciences.

JOB PROFILE

The Director will be responsible for a staff of 3-4 program administrators. Candidates should have administrative and organizational experience, preferably in an international and/or university setting; have excellent command of English, Russian and Uzbek languages; some knowledge and understanding of higher education issues; experience in strategic planning and programmatic/financial management preferred. Candidates should submit their CV and a cover letter explaining their suitability for the position in English.

Eligible candidates should have skills and experience in:
- *NGO and Financial Management, including planning, budgeting, procurement, auditing and transparency policy*
- *Human Resource Management*
- *Organizational Development & Planning*
- *Fundraising*

A Resource Center Director is expected to perform staffing and operation responsibilities. He/she is also expected to develop long-term organizational planning.

Applicants should:
- *Have three years of relevant professional experience*
- *Have excellent management skills*
- *Be able to perform coordination and administration roles*
- *Excellent verbal and written English, Russian and Uzbek languages*
- *Have experience of working with development projects*
- *Computer Literacy*

Applications should be submitted to the Open Society Institute no later than February 07, 2003
Please send or fax your CV and a cover letter to:
Open Society Institute, 31 Zarbog Street, Tashkent 700031,
fax: (371) 1206854
tel: 1205408/09/10/11/12/13
e-mail: zukhra@osi.uz

0764/120

«Ўздунробита» компанияси жамоаси корхона бош юристконсультанти О.Свиридова отаси **Юрий СВИРИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика «Телекўрсатув» маркази жамоаси РТМ бош энергетиги **Сотиволди ЮСУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Маънавият» нашриёти жамоаси республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиева волидаи муҳтарамаси **Зулайҳо БОЛИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси «Маънавият» бош муҳарририятининг бош муҳаррир ўринбосари Саидмурод Тиллахўжаева акаси **Аҳмадали ТИЛЛАХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси жамоаси ишлаб чиқариш ва савдо бошқармасининг бошлиги Усмон Жамолхўжаевга отаси **Тошхўжа ЖАМОЛХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» • «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 71. 33553 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан энёд материаллар қабул қилинмайди.
i-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6